



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021-yil " 5 " may

Қ-386 -son

Termiz sh.

**Ангор тумани “Мустақиллик” массиви худудидан “ANGOR-AGRO-MAHSULOTLARI” МЧЖга замонавий енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 04 мартдаги 05-02/191-сон йиғилиш баёни, Ангор тумани ҳокимининг 2021 йил 17 февралдаги 29/01-18-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Ангор тумани “Мустақиллик” массиви худудидан “ANGOR-AGRO-MAHSULOTLARI” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 491-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 40,0 балл бонитетли 2,1 гектар суғориладиган экин ер майдони замонавий енгил конструкцияли “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. “ANGOR-AGRO-MAHSULOTLARI” МЧЖ бошлиғи А.Махмудовга: иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**